O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 12 IYUL ◆ PAYSHANBA ◆ № 80 (26.782)

«САВДОГАРБАНК» МУҲТАШАМ БИНОДА

1995 йилда Хўжайлида шиша-идиш заводи ишга туширилгандан сўнг, шиша саноати вужудга келган эди. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 20 минг дона бўлган мазкур завод шиша-идишга бўлган эҳтиёжнинг бир қисмини таъминлади. Ҳолбуки, бундай маҳсулотлар четдан келтирилар эди. Завод ишга туширилгач, экспорт қилинаётган маҳсулот турлари ошди. Ўтган йил мобайнида МДҲ давлатларига 303,2 минг доллар-лик маҳсулот сотилди.

Республика акциядорлик-тижорат «Савдогарбанк»нинг Навоий вилоят бўлими янги бинода иш бошлади. Кам харажат эвазига ҳашар йўли билан Нурота мармарлари асосида қурилган, бежирим безакли бу банкдан мижозлар мамнун. Қувончлиси, банкдаги барча муаммолар, кредит масалалари, кирим-чиқим ишлари замонавий компьютерлар зиммасига юклатилган. Айниқса, кенг ва ёруғ мижозлар зали, тадбиркорлар хонаси банк кўркига кўрк қўшиб турибди.

■ Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ

11 июль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига бўшаб қолган айрим сайлов округлари бўйича, партиядан номзодлар кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди.

31-Балиқчи сайлов округидан Андижон вилоят Машина-трактор парки ҳудудий бирлашмаси раиси Қ. Усмонов, 46-Пойтуғ сайлов округидан Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Андижон вилоят вакиллиги директори Р. Ибрагимов, 133-Сардоба сайлов округидан Оқолтин иқтисодиёт ва бизнес коллежи директори Я. Ҳайдаров, 139-Термиз сайлов округидан Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори Р. Каттаева, 152-Олмалиқ сайлов округидан «Олмалиқ тоғ металлургия комбинати» очиқ ҳиссадорлик жамияти бош директори Г. Прохоренко, 177-Қайнар сайлов округидан Ўзбекистон тумани 30-ўрта мактаб директори М. Анварова, 217-Қарши сайлов округидан Қашқадарё вилояти Оналар ва болалар шифохонаси бош шифокори Э. Нодиров, 219-Ғузор сайлов округидан «Шўртаннефтгаз» нефть ва газ конлари бошқармаси бошлиғи О. Муродов, 221-Қамаши сайлов округидан Қамаши тумани марказий шифохонаси бош шифокори А.Ғафуров ҳамда 236-Яккабоғ сайлов округидан Яккабоғ тумани Усмон Юсупов номли 61-ўрта мактаб директори А.Жуманазаровлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилдилар.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

АМЕРИКАЛИК ҚИЗ ҲОКИМ ҚАБУЛИДА

Яқинда Пайариқ туман ҳокими Ш. Остонов тинчлик корпусидан ташриф буюрган америкалик қиз Памеля Хайлингни қабул қилди. Бир йил давомида «Навбаҳор» хўжалигидаги ўзбек хонадонида яшаб келаётган Памеля хоним ўзбек тилида ҳоким билан бемалол савол-жавоб қилди. У меҳмондўст ўзбек халқидан хурсанд эканини билдириб, қишлоқ врачлик пунктида оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича олиб бораётган эзгу ишлари, маданий оқартув тадбирлари, қишлоқ аҳолиси учун тинчлик корпуси ҳисобидан кутубхона очиш устида иш олиб бораётганини сўзлади.

Ҳоким америкалик қизнинг яшаш шароити билан қизиқиб, хайрли ишга омад тилаб, кутубхона очилишида иштирок этажагини айтди.

50 БОЛАГА ХАТНА ТЎЙИ

Пайариқ тумани тарихида илк бор қишлоқ хўжалик коллежи фойдаланишга топширилди. Ўша куни коллеж жамоаси уруш ва меҳнат фахрийлари, Чернобиль фожиасини бартараф этишда қатнашган туман вакиллари, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари ҳамда фермерларга ош тортди. Тўйда кам таъминланган ва кўп фарзандли оилаларнинг 50 нафар болалари табобат ходимлари томонидан суннат қилинди. 40 нафарининг номига маҳалла ҳисобидан Халқ банкининг «Болалар» мақсадли омонатига минг сўмдан пул қўйилди.

Шу куни коллеж талабалари томонидан ашула ва рақслар ижро этилди.

КЕЛИНЛАР ҚАЙНОНАЛАРИ БИЛАН КЕЛИШАДИ

Президентимиз «Соғлом авлод йили»га бағишланган бир йиғинда энг яхши қайноналарга ҳатто орден беришга ҳам тайёрман», — деган эди. Шундан руҳланган «Зангиота» сиҳатгоҳи бош шифокори даволаниш масканидан бешта бепул йўлланма ажратди. «Келин-куёв» кўрсатуви номига барча вилоятлардан келинлар юборган хатлардан ўнтаси саралаб олинди.

Навбатдаги кўрсатув ана шу сиҳатгоҳда бўлади. Унда қайноналар ўз келинлари билан қатнашади.

■ Бурҳон ШОМИРЗАЕВ, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

МАНТИЯ КИЙГАН МАГИСТРЛАР

Тошкент Архитектура-қурилиш институтида магистратура босқичининг илк бор битирувчиларига магистрлик дипломини топширишга бағишланган кечани институт ректори, Олий Мажлис депутати Бахтиёр Асқаров очар экан, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг жамият ривожидаги ўрни беиҳоя катта бўлиши ва озодликнинг ўн йиллик тўйи арафасида магистр унвонини олишга муяссар бўлган йигит-қизларнинг муваффақияти ҳам ана шу кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси эканлиги хусусида тўхталди. Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши биринчи котиби Ҳ. Бобохонов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими раиси Ф. Маҳмудхўжаев, Тасис дастурининг Ўзбекистондаги раҳбари, доктор Петра Зайдлерлар ёшларнинг бу муваффақияти ўз ўрнида уларга катта масъулият ҳам юклашини таъкидлаб, уларга келгусида зафарлар ёр бўлишини тилашди.

Тадбир сўнггида магистратура босқичининг илк қалдирғочларига мантия кийдирилиб, магистрлик дипломи ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилди.

■ Шуҳрат ТЎПАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ФАНТА ЛИМОН» – ЎЗБЕКИСТОНДА

Яқинда «Coca-cola Ichimligi Uzbekiston Ltd» заводида янги «фанта лимон» маҳсулотининг тақдимоти бўлиб ўтди. Маросим иштирокчилари диққатига янги маҳсулот билан боғлиқ реклама материаллари, видеоролик ва шу каби бошқа маълумотлар ҳавола этилди. Савдо бўлими ходимлари бу янгиликни бутун Ўзбекистон бўйлаб сотувга чиқарилишини таъминлашади.

Янги фанта лимон ҳозирча 1,5 литрлик полиэтилен идишларда савдо расталарига чиқарилди. Яқин орада эса 0,25 литрлик шиша идишларда чиқариш йўлга қўйилади.

■ Ўз мухбиримиз

ПИШИҚЧИЛИК

■ Турғунбек МАҲКАМОВ ва Эркабой ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар

BU DUNYONING ISHLARI

ТУРКИЯДА ЯНА ЗИЛЗИЛА

Туркиянинг Арзурум вилоятида 5,4 баллик зилзила юз берди. Оқибатда 45 киши жароҳатланди, айрим тураржой биноларига шикаст етди. Ҳозирча кўрилган зарар миқдори аниқ эмас.

КЕМАЛАР ТЎҚНАШДИ



Индонезиядаги Суматра оролининг жанубий қирғоқларида икки йўловчи кема тўқнашиб кетди. Натижада 15 киши ҳалок бўлди, 5 киши бедарак йўқолди. Мазкур ҳудудда қутқарувчилар ишламоқда.

АЛЯСКАДА МАШҚ МАЙДОНИ

Пентагон маъмурияти Аляскада ракетадан мудофаа тизимини синашга мўлжалланган машқ майдони қуриш режасини тасдиқлади. Қурилиш учун маблағ 2002 йилги ҳарбий бюджетдан ажратилади.

КЎЧИШГА ЧАҚИРДИ

Исроил бош вазири Ариэл Шарон исроилликларни Жўлон тепалигига кўчиб ўтишга чақирди. Бу ҳудуд 1973 йилги Араб-Исроил уруши даврида Исроил томонидан босиб олинган эди.

РЕЖАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Канада ҳукумати 2008 йилги ёзги олимпиадани Торонто шаҳрида ўтказиш режасини тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва бу борада шаҳар раҳбариятига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр. Мамлакат бош вазири девонхонаси шуни маълум қилди.

Бош вазир Жан Кретьен Халқаро олимпия қўмитасининг 13 июль куни Москвада ўтказиладиган мажлисида шахсан иштирок этади. Унда «Олимпиада — 2008» қайси шаҳарда ўтказилиши ҳам эълон қилинади.

ЖАСАДЛАР ТОПШИРИЛДИ

Вьетнам ҳукумати АҚШ ҳарбийларига Вьетнам уруши даврида бедарак йўқолган беш нафар америкалик аскар жасадининг қолдиқларини топширди. Маҳаллий матбуотда ёзилишича, жасадлар сўнгги бир ярим ой давомида икки мамлакат олимларидан тузилган экспедиция томонидан чангалзорларда ўтказилган қидирувлар чоғида топилган.

Маълумотларга кўра, ҳозиргача Вьетнамдан АҚШга жами 784 нафар аскар жасади топширилган.

ВАЗИРЛАР АНЖУМАНИ

Жидда шаҳрида Баҳрайн, Қатар, Қувайт, Уммон, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони ташқи ишлар вазирлари иштирокида халқаро анжуман бўлиб ўтмоқда. Унда асосан Фаластин-Исроил можаросини ҳал қилиш, Яқин Шарққа БМТ кузатувчиларини киритиш масаласи муҳокама этилмоқда.

КЎЧАДАГИ ПОРТЛАШ

Испания пойтахти кўчаларидан бирида кучли портлаш юз берди. Аниқланишича, мамлакат адлия вазирлиги биноси ёнида қолдириб кетилган автомобилда ўн беш килограммдан зиёд портловчи модда бўлган. Ушбу қўпорувчилик туфайли бир полициячи ҳалок бўлди ва ўн икки киши жароҳатланди.

«УЙ ОПЕРАЦИЯСИ»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 14 июнь сонида чоп этилган «Уй операцияси ёхуд ғалвани пулга сотиб олаётганлар хусусида» номли мақола Акмал Икромов туман ҳокимлигида атрофлича ўрганиб чиқилди ва кўтарилган муаммо шу куннинг долзарб масаласи деб ҳисобланди, чунки бу масала ва шунга ўхшаш саволлар билан фуқаролар туман ҳокимлигига хатлар орқали мурожаат қилишади, шахсий қабулга келишади.

Мақолада зикр қилинган 1,2,3-уйлар Лутфий кўчаси, 14-мавзеда қурилган бўлиб, қурилишга буюртмачи «Тошуйжойжамғармабанк»дир. Банк маъмурияти фуқаролар билан шартномалар тузиб, мажбуриятлар олган. Шартноманинг 3.5 бандида банк фуқарога 7 ой муддатда уй-жой топшириш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 6.1 бандида кўрсатилишича, ҳамма низо, тушунмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро ҳал қилиши ёки Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида суд орқали ҳал қилинади деб кўрсатилган.

Демак, фуқаролар «Истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш» қонуни (26.04.1996 й. қабул қилинган) асосида шартномада кўрсатилган бандларни — вақтида қуриб топширмагани ва сифатсиз қурилгани учун банк томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплашни суд орқали талаб қилиш ҳуқуқига эгалар.

Бу муаммолар келажакда такрорланмаслиги учун туман ҳокимлиги жамғарма банклар орқали қурилажак уй-жойларни қабул қилишда уй эгаларини қабул комиссияси таркибига киритиш бўйича қарор қабул қилди.

Туман ҳокимлиги мақолада кўрсатилган уйлар бўйича «Тошуйжойжамғармабанк» раҳбариятига қурилишда йўл қўйилган камчиликларни мутахассислар билан кўриб чиқиб, бартараф этиш ва ҳокимликка ҳисобот беришни талаб қилди.

Бу масала ҳокимлик назоратига олинган.

■ Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ҳокими А. МАҲМУДОВ

* * *

«Ўзбекистон овози»нинг 14 июнь сонида чоп этилган «Уй операцияси ёхуд ғалвани пулга сотиб олаётганлар хусусида» номли мақолага «Ўзуйжойжамғармабанк» шаҳар бўлими қуйидагиларни билдиради.

Мақолада кўрсатиб ўтилган манзилдаги уйларнинг ўз вақтида ва сифатли топширилмаганлиги борасида билдирилган эътирозларнинг келиб чиқиши фақатгина банк фаолиятига боғлиқ бўлмай, балки биринчи навбатда қурилиш ташкилотлари ва қурилаётган уйларни ташқи коммуникация тармоқлари билан таъминлаш мажбуриятини олган ташкилотлар фаолияти ва масъулиятига ҳам боғлиқдир. Фуқаролар олдида банк мажбурият олгани учун охирги оқибатда муаммоли вазиятларда якка ўзи масъул ва жавобгар бўлиб қолмоқда. Мижозларга уй-жойлар ҳамма вақт ҳам шартномада белгиланган муддатларда ҳамда сифатли топширилмаётганининг ҳозирги кунда қатор сабаблари мавжуд бўлиб, булар муҳандислик тармоқлари ва иншоотларининг ўз вақтида қуриб битказилмаслиги, қурилиш-пудрат ташкилотларининг бозор муносабатлари шароитида иш юритиш тажрибасининг етишмаслиги, уларнинг оғир иқтисодий аҳволи ҳамда маблағларни сарфлашнинг қониқарсиз режалаштирилиши ушбу сабабларнинг бир қисмидир. Булар натижасида айрим уйларни фойдаланишга топшириш муддатлари кечиқмоқда.

Ушбу мақолада кўтарилган муаммонинг асосий сабаби «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмасининг банк олдидаги шартнома мажбуриятларига риоя қилмаганлиги ҳамда кейинчалик тугатиб юборилганлигидир. Банк томонидан ушбу ташкилотга нисбатан қонунда белгиланган тартибда барча чоралар кўрилгани, лекин шунга қарамасдан қурилиш ташкилоти тугатиб юборилганлиги борасида мақолада батафсил маълумот берилган.

Мижозлар билан банк ўртасидаги барча муносабатлар шартнома шартларига ҳамда мавжуд қонунчилик шартларига кўра кўриб чиқилмоқда.

Ҳозирги кунда банк ҳал қилиб келаётган масала ва муаммолар уй-жойларнинг қурилиши, уларнинг молиявий таъминоти, мижозларга кредит бериш билан чекланиб қолмаган. Булардан ташқари банк мижозлар ўз хонадонларига кўчиб кирганларидан кейин юзага келадиган ҳамда моҳият эътибори билан ўз ваколатлари доирасидан ташқарида бўлган қатор муаммоларни ҳам ҳал қилишда иштирок этишга мажбур бўлмоқда. Мақолада келтирилган мисоллар ҳам айнан уй-жойдан фойдаланиш даврида юзага келгандир. Шунга қарамасдан кўтарилган муаммо юзасидан банк ўз ваколати доирасида ушбу камчиликларни бартараф қилиш борасида тегишли ташкилотлар билан барча чораларни кўради.

Бугунги кунда уй-жой қурилиши банк томонидан қатъий назорат қилиниб, томонларнинг шартнома шартларига риоя этишлари ва уларни тўлиқ бажаришлари борасида барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўйлаймизки, мақолада келтирилган камчилик ва нуқсонлар фойдаланишга топширилган ва ҳозирда қурилаётган иншоотларда такрорланмайди.

■ «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи З. ТЎЙЧИЕВ

ИСТИҚЛОЛ, МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

Истиқлол ҳар бир хоразмликка нима берди? Моддий неъматлар ҳақида айтсак кўз олдимизга қатор-қатор шарқона бинолар, автомобиллар, бир-бири билан маҳобатда беллашадиган улкан саноат корхоналари... э, қўйингки, куни кеча қўлида кетмонидан бошқа матоҳи йўқ бўлган, бугун эса ўз муҳри, ҳисоб рақами, техникаси билан эгалик ҳуқуқини қўлга киритиб кўкрак кераётган фермерлар келади.

Маънавий неъмат-чи? Рости, қадим юрт давлатчилик тузганидан буён бу қадар кўп байрамларни, тўю тантаналарни сўнгги ўн йилдагичалик кўрмаган.

Атиги йигирма йил олдин Ал-Хоразмий бобомизнинг юбилейини ўтказамизми-йўқми деб қайсидир бир идораларда сарғайган эл кадхудолари истиқлолдан кейин кетма-кет буюк боболари Нажмиддин Кубро, аз Замахшарий, Огаҳий, Муҳаммад Раҳимхон Соний — Ферузларнинг тўйларини қойилмақом қилиб ўтказишди. Олам ҳайратда қоладиган даражада.

Буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди номи бу элга истиқлол боис қайтди — вилоят марказида улкан ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди, юрт озодлиги учун йигит ёшда шаҳид кетган шоҳ бобога ҳайбатли ҳайкал ўрнатилди. Бу тантанани Шарқу Ғарб кўрди.

Истибдод йилларида аниқ ёши расман тан олинмаган кўҳна ва навқирон Хиванинг 2500 йиллик тўйи ўзи бир тарих. Рости, ҳали Осиёда бу қадар байрам нишонланмаганди...

Энди эса яна бир буюк ўтмишдошимиз — Зардушт бобо яратган «Авесто» юбилейи тадориги кетмоқда. Вилоят марказида улкан ёдгорлик мажмуаси қад ростлаётир.

Бир-биридан аломат Наврўз тантаналари, Мустақиллик саналари, Хотира ва Қадрлаш маъракалари, «Ҳосил байрам»лари...

Обод элга тўй ярашади. Фаровон юртга шоду хуррамлик - татийди.

Истиқлол инъом этган байрамлардан яшарган юрт,

Улуғларини улуғлаган, қадриятларини топган воҳа,

Озодлик эпкинларидан баҳра олаётган замин,

Ҳар бир тонги фарахбахш, ҳар бир куни байрамона кечаётган қадим тупроқ — ХОРАЗМ!



ТАРИХЛАР ҚАЪРИДАН СЎЗЛАЙДИ ХИВА



УРГАНЧ ДЕҲҚОН БОЗОРИДАГИ ЯНГИ ДЎКОН

СОЛНОМА

ЮРТБОШИ ТАШРИФЛАРИ

1991 йил декабрь. Ўзбекистон Президентлигига номзод И. А. Каримов Огаҳий номли вилоят театрида халқ вакиллари, жамоат ташкилотлари фаоллари билан учрашиб, ўз дастурини баён этди ва уларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

1992 йил январь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Хоразм вилояти ҳокимини тайинлаш учун Урганчга келди.

1993 йил июнь. Юртбоши вилоятда қишлоқ хўжалиги экинларининг парвариши, дон ва картошка етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан Хива, Қўшкўпир, Шовот, Гурлан, Янгибозор туманлари деҳқонлари ҳузурида бўлди.

1994 йил январь. И.Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев билан Хива шаҳри меъморий ёдгорликларини томоша қилди.

1994 йил апрель. Мамлакат раҳбари Франция Президенти Франсуа Миттеран билан Хивага келди.

1996 йил март. Халқ депутатлари вилоят кенгаши учинчи сессиясида Юртбоши катта маъруза билан чиқди.

1996 йил ноябрь. И. Каримов Туркманистон раҳбари С. Ниёзов билан Хивага келиб, Маҳтумқули ҳайкали очилишида қатнашди ва нутқ сўзлади.

1997 йил сентябрь. Юртбошимиз Хиванинг 2500 йиллигига тайёргарликнинг боришини шахсан кўздан кечирдилар ва Боғот туман деҳқонлари билан учрашди.

1997 йил октябрь. Қадим Хиванинг 2500 йиллик тантаналарида қатнашди ва нутқ сўзлади.

1999 йил март. И. Каримов халқ депутатлари вилоят кенгаши ишида қатнашиб нутқ сўзлади.

1999 йил октябрь. Юртбошимиз Урганч шаҳрида бўлиб ўтган буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги тантаналарида иштирок этди.

2000 йил декабрь. И. Каримов сайловлар арафасида вилоятда бўлиб, меҳнаткашлар вакиллари билан учрашди.

ДЕҲҚОНЧИЛИК

БАРАКАТ УЧУН ҲАРАКАТ

Руҳиятшуносликнинг асрлар тажрибасида синалган қонунлари мавжуд: инсон боласи яхши сўзга илҳақ. Ёки ҳар қандай фаолият унинг қадр топиши ва муносиб баҳоланиши билан завқлидир. Юртбошимиз юқори минбардан туриб, «Хоразм деҳқони йилига ернинг шўрини 3-4 марта ювиб, 30-35 центнердан ҳосил олади. Буни ким ҳисоблайди, буни ким қадрлайди? Бунинг илдизи ва асоси аввало хоразмлик деҳқонларнинг фидойи экани, заминга меҳрида, Ватанга муҳаббатида, ориятда, ийманда!» деганлари биз дала меҳнаткашларининг йил ўн икки ой қилаётган машаққатли меҳнатимизга муносиб баҳодир.

Хоразм шароитида тўрт нарсага жиддий эътибор қаратиш кўнгилдаги натижага эришиш имконини беради. Биринчидан, ишни тўғри ташкил қилиш, иккинчидан, ерларнинг шўрини вақтида, сифатли ювиш, учинчидан, уруғлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш ва тўртинчидан, агротехника тадбирларини ўз муддатларида ўтказиш.

Бу эса тинимсиз меҳнат дегани. Эътибордан соқит қилмаслик керак — сув воҳада бирламчи фактор саналади. Ўтган йили ва бу мавсумдаги сув танқислиги деҳқонларимизга ортиқча ташвиш бўлиб тушгани сир эмас. Азал-азалдан ҳаёти, ҳар зарра тупроғи сув билан қондош бўлган юрт учун бу навбатдаги синов бўлди. Шундай шароитда ҳам деҳқонларимиз ҳар бир томчи сувнинг қадрига етиб, кўзланган натижаларга эришиш, давлат хазинасини бойитиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўрдилар ва кўрмоқдалар.

«Излаган — имкон топади» қабилида ишни ташкил қилиб, мавжуд сув ресурсларини тежаб-тергаб ишлатиб, далаларимиздаги ниҳолларни сақлаб қолиш ва сақлаб қолишгина эмас кўзланган режадаги ҳосилни етиштириш тадбирларини кўраяпмиз. Зовурларга 140 та катта-кичик сув насослари ўрнатиб, бир оз шўрланган сув билан дарё сувини қориштириб, экинларни суғориш тажрибасини кенг қўлладик. Ана шу усул билан сувдан фойдаланиш натижасида мавжуд 3200 гектар майдондаги буғдойларимизни тўлиқ сақлаб қолиш, уларнинг тўлиқ пишиб етилгунича тағин нам сақлашга муваффақ бўлинди. Буғдой қисқа фурсатларда ўриб-йиғиб олинди. Бунинг учун «Кейс», «Класс» ва бошқа русумдаги 36 та ўрим комбайнларидан унумли фойдаланилди.

Ёки аҳоли эҳтиёжи учун 1200дан ортиқ тош қудуқлар ҳамда етти ярим мингдан зиёд бошқа турдаги қудуқлар ковланиб, ишга туширилган. Шу билан бир қаторда Туямўйин сув омборидан қувурли сув йўлини тўла келтириш учун ҳукуматимиз кўмагида сўнгги йилларда бир қатор ишлар қилинди ва бу жараён ниҳоясига етай деб қолди.

Буғдой масаласида бир ибратли мисолни айтиб ўтай: аҳоли ихтиёридаги қўшимча тармоқларда етиштирилган буғдойнинг ўзиёқ туманимизнинг юз йигирма минг аҳолисини йил давомида дон маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш имконини беради. Бу сув танқислиги сезилган йилдаги самара эканлиги қувонарлидир.

Ҳали қиш фаслидаёқ туманимиздаги кам ҳосилли майдонларни капитал текислашдан чиқариш учун бор имконимизни ишга солдик. «Қорамон-Қўшкўпир» йўлининг икки чеккасидаги беш юз гектарга яқин майдон тўла текисланди, ортиқча зовурлар ва ташландиқ майдонлар йўқотилди. Ана шу майдонлардан биринчи йилдаёқ тўлиқ ғўза ниҳоли олишга эришилгани ҳам қувонарлидир.

Ўн уч минг гектар майдонга экилган чигит тўлиқ униб чиқди. Ҳозирда ғўза қатор ораларига ишлов бериб, суғоришда ҳар бир томчи сувдан тежаб-тергаб фойдаланишмоқда.

1440 гектар майдонда қанд лавлаги парваришлаяпмиз. 160 гектар майдонда полиз маҳсулотлари бор. Бу аввало кам сув талаб қиладиган экинлар экиш бўлса, қолаверса полиз маҳсулотлари билан бозорларимизни тўлдириш, ортиқчасини қўшни давлатларга чиқариб сотиб, хўжаликлар иқтисодини кўтаришдир.

Бу гапларни қайта-қайта айтаётганим боиси, туманимиз вилоятнинг энг чеккасида жойлашгани, барча сув йўлларининг охирида эканлиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолати бузилгани боисдан сўнгги йилларда қолоқликка юз тутгани... бугун барчанинг хоҳиш-иродаси юзага келган ана шу оқсашдан қутилиш ва илғорлар қаторига чиқиб олиш, далага умри боғланган заҳматкаш инсонларнинг моддий фаровонлигини таъминлаш бўлаётгани ибратли ҳолдир. Зеро, қариялар айтадиларки, Оллоҳ таоло «сизлардан ҳаракат, мендан баракат» демишлар.

Истиқлолимизнинг қутлуғ ўн йиллиги нишонланадиган йилда туманимиз меҳнаткашлари ўз олдиларига қўйган барча вазифаларни адо этишларига етакчи сифатида тўла кафолат бераман. Ахир Юртбошимиз беҳудага; «Хоразмлик инсонларга деҳқончилик борасида тенг келадиган кишиларни топиш қийин. Ишнинг кўзини биладиган, тупроққа бир қарашда бўлажак ҳосилнинг чўғини аниқлаб берадиган миришкор деҳқонлар мана шу заминда яшайди», демаганлар.

■ **Бахтиёр РАЖАБОВ,**
Қўшкўпир тумани ҳокими

БАНК ВА МИЖОЗ

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ҲАМРОҲИМИЗ

Уч йил муқаддам фермер хўжалиги ташкил қилган бир танишимиз яқинда қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлайдиган мини завод қураётганини эшитиб, ҳайратландик.

— Заводни одатда бой-бадавлат кишилар қурадилар. Маблағни қаердан олдингиз?

Танишимиз саволимизга ажабланмади.

— Маблағнинг ярмини фермер хўжалигида ишлаб топган даромадимиздан олдик, ярмини эса «Пахта банк» имтиёзли қарзга берди. Қарз ўзилиб кетади, завод ёнга колади.

Бизни «Пахта банк»нинг Хоразм вилоят бошкармасига бошлаган нарса «заводчи бой»нинг эътирофи бўлди. Бошқарма бошлиғи Ғ. Ҳакимов билан суҳбатимиз мавзуси ҳам шу ҳакда.

— Ғулом Отахонович, банкка қарз сўраб мурожаат қилаётганлар кўпми? Суҳбатни шундан бошласак.

— Банкимиз 3200 та кичик ва ўрта бизнес объектларига хизмат кўрсатмоқда. Янгидан-янги фермер хўжаликлари ташкил қилинаётгани, турли корхоналар иш бошлаётганидан мижозларимиз сони доимо ошиб бормоқда. Демак, хизматимизнинг бир тури — қарз бериш ҳам шунга яраша.

— Яъни?..

— Яъни, шу кунгача 2 миллиард 574 миллион 709 минг сўм миқдорида қарз бергамиз. Шундан 1 миллиард 885 миллиондан зиёди қисқа, 536 миллиони ўрта ва 152,4 миллиони узоқ муддатли қарзлар.

— Имтиёзли қарзлар-чи?

— 317 миллион сўмдан зиёдроқ.

— Қарз-ку берилган. Сизларда «ҳаракатсиз пул — ўлик пул» деган тушунча бор. «Ҳаракат»даги, яъни қарзга берилган маблағлар қандай самара келтиряти?

— Юқорида айтилган имтиёзли қарз ҳаракатга келиб, амалда 1268 та янги иш ўринлари очилишига хизмат қилди. Буни ишлаб чиқариш тилига айлантирсак, шу маблағлар ҳисобига мини цехлар очилди, чорва, парранда ва бошқа ишлаб чиқариш иншоотлари пайдо бўлди. Одамлар иш билан таъминландилар, бозорларимиз харидоргир молларга бойиди.

— Ҳозир чет эл инвестицияларини жалб қилиш, қўшма корхоналар ташкил этиш ҳақида кўп гапириляпти. Банкингиз шу масалада қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Бугунда ўз маҳсулотлари билан вилоят, республика аҳолисини таъминлабгина қолмасдан хорижга маҳсулот чиқараётган «Хоразмшакар», «Ғурлантекс» каби йирик корхоналар ҳам банкимиз маблағлари ҳисобига бунёд бўлганини фахр билан қайд қилишим мумкин. Ҳозирда эса учта чет эл инвестициясини жалб қилиш масаласидаги лойиҳа устида иш олиб бораяпмиз. Бу Қўшкўпир туманидаги М. Раҳимов ширкат хўжалигида ташкил қилинажак, суткасига икки тонна сутни қайта ишлайдиган «Сардор» шўъба корхонаси. Италия билан ҳамкорликдаги корхонада ҳозирда технология ўрнатиш жараёни давом этмоқда. Унинг қиймати 320 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ёки Шовот туманидаги «Соҳибкор» ширкат хўжалигида мева-жим ишлаб чиқариш ва қадоқлаш линияси яқин кунларда ишга туширилади. Болгария билан ҳамкорликдаги бу линиянинг қиймати 235 минг АҚШ доллари миқдорида. «Урганчсут» ҳиссадорлик жамияти қошида Дания фирмаси билан ҳамкорликда музқаймоқ ишлаб чиқарадиган фирма лойиҳаси ҳам тасдиқланди. Бу учала қўшма корхона мустақиллигимизнинг 10 йиллигигача ишга туширилади.

— Сўнгги йилларда иқтисоди ночор бўлган хўжаликлар негизида фермер хўжаликлари ташкил қилиш, яъни мулк шаклини ўзгартириш тажрибаси амалиётда синаб кўрилмоқда. Атамани ўзгартирган билан маблағ бўлмаса бирданига колоқликдан чиқиб кетиш қийин...

— Иқтисоди ночор хўжаликлар негизида ташкил қилинган фермер хўжаликларига 115 миллион сўмга яқин имтиёзли қарз бердик. Маълумки, «Тупроққалъа» даҳаси вилоятдан жуда йироқда. Бу ердаги хўжаликлар ҳам иқтисодий томондан бақувват эмас. Мижозларимизнинг юмушини енгиллаштириш учун шу ерда «Мини банк» ташкил қилдик. Умуман беш жойда «Мини банк», ўн икки жойда банк бўлимлари мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирча норози одам йўқ.

— Берилган қарзни ўз вақтида тўлай олмайдиган, тўламайдиган мижозларингиз ҳам бордир?

— Қариялар «Қарзи борнинг — фарзи бор» деб беҳуда айтишмаган. Ҳайриятки, ҳозирча биздан қарз олганидан сўнг синган — банкрот бўлган ташкилот йўқ. Ёки қарзни тўлаш борасида бирор мижозимиз билан судга ариза кўтариб бормадик. Мижозларимиз интизомли, масъулиятли кишилар. Қарзни ўз вақтида қайтариш масаласида тартибли.

ЎЗБЕКОНА МЕҲМОНДЎСТЛИК

«АРҚОНЧИ»НИ АМЕРИКАДАЯМ БИЛИШАДИ

Хива азалдан Хоразм атамасига уйқаш келади. Бу икки ном тарихлар аро эгизаклардай бирлашиб кетган.

Тарихи Римга тенгдош кўҳна шаҳардаги оламга машҳур меъморий обидалар, ноёб осори-атиқаларни кўриш, томоша қилиш учун ҳар куни Хивага дунёнинг барча қитъаларидан сайёҳлар ташриф буюрадилар.

Бугун Хивага ёндош аталадиган, биргаликда эсланадиган яна бир сўз машҳур бўлди — «Арқончи».

«Арқончи»нинг тарихи қизиқ. Шаҳарнинг «Ичон қалъа» маҳалласида яшовчи Собир Ҳасанов истиқлолдан сўнг ота-боболарининг касбини давом қилишга киришди — арқон эшиш билан шуғуллана бошлади. Бу орада хорижда хусусий меҳмонхоналар борлиги ҳақида мақола ўқиб қолди ва ... «Арқончи» хусусий меҳмонхонасини очишга аҳд қилди. 1994 йилдан бошлаб ўзи истиқомат қилаётган иморатда дастлабки хорижлик меҳмонларни қабул қилди, уларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатди. Ва, қарасаки, сайёҳлар истаги — шу ерда яшаётган хонадонларда жойлашиш, уларнинг ҳаётини яқиндан ўрганиш.

Собир аканинг меҳмонхонани кенгайтириш, жаҳоний андозадаги муҳташам бино тиклаш ҳақидаги таклифини туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади ва 1996 йилда «Бизнес фонд»дан 850000 сўм имтиёзли қарз беришди. Бу пулга тадбиркор барча хоналарни кенгайтириб, таъмирлаб ва жиҳозлаб олишга эришди.

Меҳмонхонада 35 та хона бор. Икки қаватли кўркам бинода ҳар куни олтмиш-етмиш нафар хорижлик сайёҳларни кутиб олиш, уларга хизмат кўрсатиш имкони мавжуд.

Меҳмонларни кутиб олиш, уларга зарур хизматларни кўрсатиш, айниқса, диди нозик сайёҳлар учун кўнгилларига мос овқат тайёрлаш осон иш эмас. Аммо, бу ерда тайёрланаётган шарқона миллий таомларга бирор меҳмон ҳали эътирозини айтган эмас.

Бу ерда асосан Собир аканинг оила аъзолари ишлашади. Сайёҳлар оқими кўпайган ёз мавсумида эса доимий ишлаётган ўн икки нафар киши ёнига тағин ўн беш-йигирма нафар ишчи-хизматчи келиб қўшиладилар.

Энди «Арқончи» фирмаси обрўсининг ошиб бораётганини кўрсатувчи бир-икки рақамни келтириб ўтсак. Дастлаб иш бошланган йилларда меҳмонхонага икки минг нафар атрофида сайёҳ келган бўлса, ўтган йили улар сони уч минг нафарга етди. Фирманинг эсдалик дафтарида дунёнинг юзлаб тилларида ёзилган миннатдорчилик битиклари бор. «Арқончи»ни, унинг эгаси Собир Ҳасановни бугун Америкадаям яхши билишади, деганимиз шундан.

ҲАЛК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ

ПОЛЬША, ЧЕХИЯ, МЎҒУЛИСТОН...ЛАРДА ЭЪТИБОР ҚОЗОНГАН

Воҳада Хива, Мадир, Каттабоғ каби ўзига хос кулолчилик мактаблари мавжуд. Янгиариқ туманидаги Каттабоғ қишлоғи тарихини салкам уч минг йилга тенглашади. Демак, қишлоқда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кулолчилар шажараси ҳам шу ёшдан кам эмас.

Қишлоқдаги машҳур кулол Султонбой Отажонов шу шажаранинг давомчиси. Ота-боболарининг хон замонларида сув чиғирлари учун дигирлар, катта-кичик хумлар, ранг-баранг тоғоралар, шакашалар, бодия ва тандирлар ясашгани, эл-элатнинг барча рўзғор буюмлари — идиш-товоқлари, чойнак-пиёлалари шу меҳнаткаш кишиларнинг санъати намунаси эканлигини фахр билан сўзлайди.

Шўро замонларида кулолчиликка қизиқиш сусайди, четдан турли идишлар келтирилиши ёки бошқа металлардан ускуналар ясаш қадим ҳунармандчилик ривожига таъсир ўтказди. Ҳатто кулолчиликни ташлаб кетганлар бўлишди.

Султонбой ака эса қадим ҳунарни тарк этмади, уни санъат даражасига кўтарган инсон. У ғоят нозик дид билан яратган кулолчилик намуналари Польша, Чехия, Мўғулистон каби қатор давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш қилиниб, томошабинлар эътиборини қозонган. Устоз кулол мазкур кўргазмаларда қўлга киритган совринлари, ташаккурномаларини авайлаб сақлайди.

Мустақиллик йилларида халқ ҳунармандчилигига бўлган қараш бутунлай ўзгарди. Унинг ривожланиши учун янгидан-янги имконлар очилди. Аваз Ўтар номли ширкат хўжалиги раҳбарияти уларга янги устахона қуриш учун қулай бўлган — «Хива — Хазорасп» катта магистрал йўли ёқасидан ярим гектар ер майдони ажратиб берди. Бу йўлдан хорижлик сайёҳлар мунтазам ўтишади.

Бинони тезкор тиклаш учун банкдан бир миллион икки юз эллик минг сўмлик имтиёзли қарз ҳам ажратишди. Маблағ тўрт хонали кўркам бинони қуриш ва таъмирлашга етди.

Кулолчилик учун зарур идишларга турли ранглар беришда ишлатиладиган қизилкесак, лоя, оқтош каби табиий минераллар Қорақалпоғистоннинг Султон Увайс тоғи этакларидан ташиб келтирилади. Асосий хомашё — гил қишлоқда мавжуд.

Кулолнинг шогирдлари Одилбек Раҳимов, Баҳодир ва Мадиёр Отажоновлар устози билан бир сафда туриб, ҳунарни қунт билан эгаллашмоқда.

Уста кулоллар қўлида бунёд бўлган ғоятда сержило кошинлар Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуига кирувчи Ал Беруний ва Ал Хоразмий мақбаралари пештоқлари, дарвозаларини безаб турибди. Мустақилликдан сўнг ишга туширилган Чирчиқ ва Ғазалкент деҳқон бозорлари дарвозаларига шарқона кошинлар билан ҳусн берган ҳам шу уста кулол ва унинг шогирдлари.

Уста кулолга Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон халқ устаси» фахрий унвони берилди. Султонбой кулол бирорта аждодига давлат томонидан бу қадар ҳурмат-эътибор кўрсатилмаганини эслаб, истиқлолга шукроналар айтади.

КИЧКИНТОЙЛАР — ГИЖИНГТОЙЛАР

«ИСТИҚЛОЛ» ЖАЖЖИЛАРИ

Мустақилликнинг биринчи йиллари иқтисодий алоқаларга вақтинчалик путур етгани боис хўжалик ёки корхоналар ихтиёридаги айрим болалар боғчалари ўз фаолиятини тўхтатгани сир эмас. Боғот туманидаги «Истиқлол» болалар боғчаси халқ таълими тизими ихтиёрига ўтказилди-ю, қисқа фурсатда юздан ошиқ жажжиларнинг севимли масканига айланди-қолди.

140 болага мўлжалланган, бир неча йил ишламай ётган боғча биносини таъмирлаш ва ишга тушириш учун уч ой кифоя қилди. Аввало қишлоқнинг саховатли кишилари, фермерлар ёрдам қўлини чўздилар. «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги эса нон ёпадиган электрон тандир туҳфа қилди. Мудира Галя Ёқубова эътирофича, боғчада барча шарт-шароитлар мужассам, жажжилар иссиқ овқат билан таъминланган, дам олишлари, ўйнашлари, мусиқа эшитишлари, расм чизишлари учун махсус хоналар жиҳозланган.

***

Суратда: «Истиқлол» боғчаси тарбияланувчилари мусиқадан сабоқ олиб, халқ лапарларини ўрганишаётган пайт.

ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ



ИФТИХОР

ҚАДР ТОПГАН САНЪАТ

Жалолиддин Мангуберди таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан бўлиб ўтган тантанада мамлакатимиз раҳбари Хоразмнинг буюк алломалари, улуғ саркардалари ҳақида сўзлар эканлар, раҳматлик устоз Комилжон Отаниёзовни ҳам ҳурмат билан ёд этдилар.

Ростини айтишим керак, Комилжон ака ўз даврида шўро тузумидан эътибор топмадилар. Қирқ йил бирга умр кечириб, у кишининг тортган барча қийинчиликлари, азоб-уқубатларига гувоҳман. Гарчи ҳалол меҳнатлари эвазига ишлаб топган маблағларига мактаб қурдирган, масжид бунёд эттан бўлсалар-да, бир оддий бандаси яшагулик иморатга эга бўлмадик.

Шўро даврида тор билан қўшиқ айтадиган ҳофизларга қарши махсус кампаниялар уюштирилиб турар, ҳатто бизга четдан кириб келган симфоник оркестр ва бошқа музиқа асбобларини қадим қўшиқчилик санъатига сунъий тарзда «пайвандлаш»га уринишлар бўлган. Халқимизнинг минг йиллик қўшиқчилик йўлларини шу тахлит камситишдан энг кўп азоб тортган ҳам Комилжон акадир.

Мен саксон тўртга кирган кўзи ожиз аёл нима учун мустақилликни улуғлайман, унинг раҳнамосига шукроналар айтаман? Ахир шу истиқлол устоз ҳофизни қайта кашф этди, унинг буюк хизматларини давлат миқёсида тан олди. Бундан мағрурланмай бўладими?

Юртбошимиз Фармонига биноан Комилжон акага «Буюк хизматлари учун» орденининг берилгани у кишининг ҳаётлигида эл-юрт учун қилган беминнат хизматларига муносиб ҳайкал бўлди. Аслида бу ҳурмат Комилжон ака яратган қўшиқчилик мактабига, у кишининг ибратли санъат йўлига берилган баҳодир.

■ **Имсиной биби ПОЛВОНОВА**

УРГАНЧДАГИ 18-МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИ МЕҲРИБОН РЎЗМЕТОВА ЎҚУВЧИЛАР ДАВРАСИДА

МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИ МИРКАРИМ КАРИМОВ

ХОТИРА МАЙДОНИДА

ХИВА ГИЛАМЛАРИ

ХОРАЗМ МАХСУС ТАЪМИРЛАШ 2-МЕХАНИКА ЦЕХИДА

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ШАҲАРЧАСИ

«ХОРАЗМШАКАР» ЗАВОДИ

ИЛМ МАСКАНЛАРИ

ЧЕККА ҚИШЛОҚДА КОЛЛЕЖ

Қўшкўпир туманининг энг чекка Ғазавот қишлоғида 600 ўринли янги коллеж иш бошлади. Маиший хизмат йўналишига ихтисослашган коллежда барча зарур жиҳозлар билан таъминланган ўқув хоналари, компьютер синфи, устахоналар, спорт ва анжуман заллари мавжуд. Бундан ташқари ўқувчилар ихтиёрига юз ўринли ётоқхона ҳам берилган.

Янги коллежда вилоятнинг энг чекка ҳудудидаги ва унга ёндош қишлоқларда яшаётган ёшлар касб-ҳунар ўрганадилар. Бу эса илгари туман ва вилоят марказларига қатнаб ўқишдек машаққатдан безор бўлиб, бекорчиликни маъқул кўрган ёшларимизни замонавий касб эгалари бўлишга чорлайди.

Ҳукуматимиз қарорларига кўра Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури амалиётга тўла татбиқ қилина бошлаган қисқа даврда вилоятда 15 та янги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилар ихтиёрига берилди. Коллежларда 9,5 минг нафардан зиёд ёшлар ўзлари севган ва танлаган юздан зиёд касб ва ҳунарларни ўрганмоқдалар.

«АВЕСТО»НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА

БЕБАҲО ҚОМУСИЙ АСАР

«Авесто» Марказий Осиёда вужудга келган дастлабки ёзма асардир. Бу ноёб китобда аждодларимизнинг юксак инсоний қадриятлари, диний-фалсафий қараши, олам ҳақидаги тасаввурлари, турмуш тарзи, урф-одати, анъаналари ҳамда маданияти ўз аксини топган.

«Авесто»да яна Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Озарбойжон ва Шимолий Ҳиндистон халқларининг қадимий тарихи, географияси, фалакиёт, илми нужум, фалсафа, ахлоқ, мантиқ, адабиёт, табобат ва бошқа илмлар соҳасида эришган ютуқлари ҳам мужассамлашган.

«Авесто» шеърий услубда ёзилган қомусий асардир. Антик юнон тарихчиси Плиниймнинг (милоддан аввалги III аср) таъкидлашича, унинг қадимги нусхаси 2 миллион шеърий байтдан иборат бўлган. «Авесто»нинг яратилиши пайғамбар Зардушт ёки Заратуштра («Авесто»да) номи билан боғлиқ.

Мавжуд маълумотларга қараганда, Зардушт милоддан аввалги 589 йилда қадим Хоразмнинг Спитама уруғида таваллуд топган. Зардушт ва отаси шу уруғда кохинлик қилганлар. Зардушт баъзи маълумотларга қараганда 77 йил умр кўрган. Зардуштнинг отасини Паурушасп, онасини эса Дуглава деб аташган. Зардуштнинг оиласида уч ўғил ва уч қиз бўлган. Зардушт истеъдодли олим, файласуф, диншунос ва шоир бўлиб етишган.

Зардуштнинг диний-фалсафий, ахлоқий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари у яратган «Авесто» китобида мужассамлашган. Зардушт уруғ-қабилачилик давридаги кўп худоликка, табиат ҳодисалари ҳамда айрим ҳайвонларга эътиқод қилишга ва шу билан боғлиқ эскича ақидаларга қарши чиқди. У жамоа аъзолари ўртасида якка худоликни, бутун оламни яратган бош худо Ахурамаздага эътиқод қилишни ҳамда эзгулик ғояларини тарғиб этди. Одамларни яхшиликка, ҳамжиҳатлик ва биродарликка даъват қилувчи зардуштийлик таълимоти тарафдорлари тез орада кўпайди, ҳатто Зардушт таълимоти Хуросон ва Эронда ҳам кенг ёйила бошлади. Душман коҳинлари томонидан таъқиб қилинган Зардушт Сўғдиёна, Бақтрия ва сўнгра Хуросон вилоятларига жўнаб кетишга мажбур бўлади ва ўша ёқда фаолиятини давом эттиради. Эроннинг Каёнийлар шоҳи Кавий-Виштасп Зардуштни ўз саройига таклиф қилади. Зардушт шоҳ саройида оғир синов шартларидан ўтгач, Виштасп ўз оиласи ва сарой аёнлари билан зардуштийликни биринчилар қаторида қабул қилади.

Милоддан аввалги 512 йили Зардушт Шарқий Эрон шаҳарларининг бирида ибодат пайтида қотиллар томонидан ўлдирилади. Лекин бу билан душманлар зардуштийлик таълимотини тўхтатиб қололмадилар. Зардуштийлик тез орада Хоразм ва Турон заминидан сўнг Хуросон, Эрон, Озарбойжон, Шимолий Ҳиндистон, Ироқ ва Осиёгача кенг ёйилиб, давлат дини даражасига кўтарилди.

Зардушт таълимоти унинг шогирдлари бўлган коҳинлар томонидан ривожлантирилди, янги ақидалар билан бойитилиб, «Авесто» номи ила китобат ҳолатига келтирилади. «Авесто» атамаси зардуштийликнинг панд-насиҳатлар, қонун-қоидалар тўплами маъносини англатган. «Авесто»нинг китоб сифатида шаклланиши Зардушт замонига тўғри келади. У ҳақда қомусий олим Берунийнинг қуйидаги маълумотлари муҳим аҳамиятга эга:

«Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида ўн икки минг қорамол терисига тилла билан битилган («Авесто»нинг) бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни қуйдириб юборди...»

Айрим маълумотларга қараганда Эрон Аҳамонийлар подшоси Доронинг Персополь шаҳридаги саройида «Авесто»нинг 4 та қўлёзма нусхаси сақланган. Милоддан аввалги 334-329 йилда македониялик Искандар Эронни босиб олганда шулардан бир нусхаси ўтда қуйдирилиб, иккинчи нусхаси Македонияга, устози Аристотелга юборилган, қолган нусхаларини зардуштийлар олиб, турли жойларга тарқалиб кетганлар.

Олимларнинг таъкидлашича, «Авесто»нинг асл нусхаси қадимги Хоразм тилида ва оромий ёзуви негизида шаклланган Хоразм ёзувида яратилган. Қадимги Хоразм тили антик юнон муаллифлари хабарига кўра, Сўғдий, Бақтрия, Шарқий Эрон тилларига анча яқин бўлган.

Сосонийлар даврида қайта яратилган «Авесто» 21 китоб (насх) дан иборат бўлиб, шулардан бизгача тўртдан бир бўлаги етиб келган, холос.

«Авесто» ва зардуштийликда инсонларни эзгуликка томон чорловчи диний-фалсафий ва маънавий-ахлоқий ғоялар кейинчалик жаҳон динларидан бўлмиш Ислом дини, христианлик, буддизм ва яҳудийлик (иудизм) динларига, уларнинг шаклланиши ҳамда жаҳон динлари даражасига кўтарилишига катта таъсир кўрсатди.

Булардан ташқари, «Авесто»да баён қилинган илғор ғоялар, фалсафий ва ахлоқий қарашлар нафақат Шарқда, шунингдек, қадимги Юнонистонда ва сўнгра Европа халқлари орасида илғор ижтимоий-сиёсий ғояларнинг шаклланишида, бадиий адабиёт ва санъатнинг ривож топишида муайян даражада роль ўйнайди. Зеро, жаҳон адабиётининг йирик намояндаси Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» асари, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий», Низомий Ганжавийнинг «Хафту пайкар» достонлари, қадимги юнон драматурги Эсхилнинг «Занжирбанд Прометей», буюк итальян шоири А. Дантенинг «Дўзах» асарлари ва бошқалар «Авесто» ривоятлари асосида яратилганлиги маълум.

Хуллас, аждодларимиз томонидан яратилган «Авесто» китоби жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан бебаҳо маданий мерос сифатида қадрланмоқда.

■ **Хушнуд БОБОЖОНОВ, профессор, Абдулла СОТЛИҚОВ, тарих фанлари номзоди, доцент**

ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

«ДАРИТАЛ» ТАМҒАСИ БИЛАН

Бугун дўконларимиз пештахталарида ана шу корхонада ишлаб чиқарилган бежирим пойабзалларни кўплаб учратиш мумкин.

«Даритал» ўзбек-Италия қўшма корхонаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида «Хоразмпойабзал» ҳиссадорлик жамияти базасида ишга туширилган.

Вилоятда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, харидорлар эътиборини қозонаётган бундай қўшма корхоналар оз эмас. «Хоразммаверапласт» ўзбек-Туркия, «Мева» ўзбек-Италия, «Семурғ Сан-Те» ўзбек-Туркия...

Хорижнинг илғор технологияларини жорий этиб, ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган бу каби қўшма корхоналар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Улар орасида «Даритал»нинг ўрни бўлакча. Низом жамғармаси 1750 минг АҚШ долларига тенг бўлган қўшма корхона сармоясининг 61, 34 фоизи Италия томонига, 38, 66 фоизи мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келади.

Италиянинг «Берпел» фирмаси, «Хоразмпойабзал» ва «Хива гиламми» ҳиссадорлик жамиятлари қўшма корхонанинг таъсисчилари бўлишди. Шу асосда республика Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки воситачилигида Европа ривожланиш ва тараққиёт банкида кредит линияси очилиб, етти йил муддатда тўлаш шарти билан 4525 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олинди ва иш бошлаб юборилди.

Дастлаб Италиядан эркаклар пойабзалини бичиш, тикиш, йиғишга мўлжалланган 115 та дастгоҳ келтирилди. Модельер, технолог, механик, хуллас, маҳаллий мутахассис-мутасаддилардан иборат олти киши Италиянинг турдош корхоналарида бўлиб, янги технологик жараёнлар билан танишдилар, тажриба алмашдилар. Ўз навбатида италиялик мутахассислар Урганчга келиб ташкилий ишларга бош-қош бўлишди. Иқтидорли ишчиларни танлов асосида ишга қабул қилишдан тортиб, уларни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш маромини ўзлаштиришларигача бўлган барча жараёнлардаги фаолиятини назорат қилиб, амалий ёрдам кўрсатдилар. Шу туфайли иш бошланган дастлабки йили (1999 йил июнь ойи) 236258 минг сўмлик (50500 жуфт пойабзал) маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 290242 минг сўмни (116 минг жуфт пойабзал), жорий йилнинг ўтган даврида эса 126994 минг сўмни (65100 жуфт пойабзал) ташкил этди.

Маҳсулот турлари ҳам йил сайин кўпаймоқда. Дастлабки йили ёз ва кузги мавсумга мўлжалланган олтита андозадаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич йигирматага тўғри келди. Жорий йилда эса ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини қирқтага етказиш мўлжалланмоқда.

Пойабзалларнинг кўриниши ва сифати, уларнинг жаҳон андозалари талабларига жавоб бериши — бош мезон. Шу асосда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакат ички бозорида сотилиши билан бирга унинг бир қисми хорижга экспорт қилинаётир. Чунончи, 1999 йили «Даритал» тамғаси билан 72 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот Италияга экспорт қилинган бўлса, ўтган йили Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида ўзининг «Савдо уйи»ни очиб, 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот жўнатилди. Жорий йилда яна шунча маҳсулот экспорт қилиниши кўзда тутилмоқда.

Қўшма корхонада ишчи ўринларини юзтага етказиш назарда тутилган эди. Айни кунда бу ерда 117 нафар киши фаолият кўрсатмоқда.

Дастлабки йили бу ерда қувватларнинг 25 фоизи, иккинчи йил 50 фоизи ўзлаштирилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 75 фоизга етказиш ва келгуси йил унинг тўла қувватда ишлашига эришиш, йилига 810 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилишини таъминлаш кўзда тутилган.

Мақсад — аниқ, қарор — қатъий, интилиш — жадал.

ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ИМКОН

Воҳада неча ўн минглаб турли енгил ва юк машиналари бор. Улар доимий ҳаракатда бўлиши учун зарур аккумуляторлар олдинлари бошқа шаҳарлардан келтириларди. Баъзида йўл харажатлари туфайли уловидан тушови қимматроқ бўларди.

Кичик корхонамизда турли русумдаги аккумуляторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу осон кечмади. Ускуналар ва бошқа зарур материаллар ҳамда кимёвий моддалар топиш осон эмасди. Юртбошимиз олиб борган халқчил сиёсатгина биз ва биз каби ишбилармонларнинг қисқа фурсатларда зарур халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимизга, иқтисодий мустақиллигимизни таъминлашга равон йўл очди. Қисқаси, ишлайман деганга кенг имкон яратилган даврлар келди. Олдинлари буни фақат орзу қилиш мумкин эди.

Мақтанишни яхши кўрмайман-у, аммо бир фактни айтиб ўтишим керак. Ўтган йили тадбиркорлар танловида корхонамиз фахрли ўринлардан бирини қўлга киритди. Бу Гулиммат Абдуллаев, Шомурод Шерматов, Равшан Ҳудойберганов, Музаффар Одамов каби ўз касбининг усталари ишлаётган жамоамизга берилган баҳо камтарин меҳнатимизнинг давлат миқёсида тан олинишидир.

Айни пайтда бошқа бир қатор халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз, ёғочни қайта ишлаш цехимиз ҳам доим мижозлар билан гавжум.

Жамоамизда 26 нафар киши меҳнат қилади. Ўртача маош ўн уч минг сўмдан ошиқ. Жамоа аъзоларига ишлаш, дам олиш учун барча шароитлар яратиб берилган.

Амалдаги йилда режага кўра икки ярим минг дона турли русумдаги аккумулятор, юз тонна кадмий оксиди ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Режани ошириб адо этиш учун корхонамизда имкониятлар етарли.

Одатда янги иш бошлаётган ҳавасманд ишбилармонлар, тадбиркорлар маслаҳат учун ҳузуримга келиб туришади. Мен уларга: «Ишлайман десанг имкон сеники. Фақат бу соҳада алдамчилик кетмайди. Кўнглинг ҳам, қўлинг ҳам ҳалол бўлсин! Халқимизнинг талаби шу!» — дейман.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УФҚЛАРИ

БОР

■ **Арслон ҚАЛАНДАРОВ, Урганч туманидаги «Мини» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғи**

ХУСУСИЙ ШИФОХОНАЛАР

«ТАБОБАТ ФОЙДА ОЛАДИГАН СОҲА ЭМАС»

Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонидан сўнг вилоятда бир қатор хусусий шифохона-поликлиникалар иш бошлади. Бугунга келиб уларнинг сони 42 тага етиб, бу янгиликдан аҳоли беҳад миннатдор бўлмоқда.

Гурлан туманидаги «Содиқ Махсум» хусусий шифохонаси ана шундай даргоҳлардан бири.

Хусусий шифохона таркибида бирданига 150 беморга хизмат кўрсатишга мўлжалланган поликлиника, кенг профилдаги тиш даволаш поликлиникаси ҳамда ўн ўринли кундузги стационар ишлаб турибди. Беморларга 12 нафар малакали врач ва йигирма нафардан зиёд ўз касбининг фидойи ҳамширалари хизмат кўрсатишмоқда.

— Бизда даволанувчилар кўп, — дейди шифохона бош врачи Ҳалима Каримова. — Сабаби: биринчидан, бу ерда малакали врачлар ишлаяптилар, иккинчидан, нисбатан арзон нархларда дори-дармон топиш ва ҳеч қийналмасдан соғлиқни тиклаш мумкин. Айни пайтда ўн тўрт ёшгача бўлган болаларга, ногиронларга, кам таъминланган оилаларга шифохонамиз бепул хизмат кўрсатади. Уларнинг кундузги стационарда ётиб даволаниш харажатларини ҳам ўз ҳисобимиздан қоплаймиз.

— Қанча фойда олаяпсизлар? — деб сўраймиз бош врачдан.

— Табобат фойда оладиган соҳа эмас, — дейди Ҳ. Каримова. — Беморлар берадиган арзимас ҳақ бизнинг зарур эҳтиёжларимизни қопласа бўлгани. Бинонинг қарови, газ, электр энергияси ҳақи, ходимларимизга иш ҳақи ва бошқалар. Ана шулардан орттирсак янги ускуналар харид қилишимиз мумкин.

Бу ерда беморларга хизмат кўрсатаётган врачлар 16 минг, ҳамширалар эса 12 минг сўм атрофида маош олаётганини билдик. Шу боисдан хусусий шифохонада ишлашни хоҳловчи врач-ҳамширалар кўп.

— Ойлик маошга яраша талабимиз ҳам қатъий, — дейди суҳбатни давом эттириб бош врач. — Бизда ишловчи бир он бўлса-да, қасамёдидан четга чиқмаслиги, беморлар мурожаатига ақалли норозилик оҳангида жавоб қайтармасликлари шарт. Врачлардан ҳам шу талаб қилинади.

Тиббиёт соҳасида бу жуда муҳим. Чунки, беморни доридармон, шарт-шароитгина эмас, аввало ширин сўз даволайди.

Қўш саҳифани «Ўзбекистон овози» мухбирлари Алимқул СУЛТОН ва Рўзимбой ҲАСАН тайёрлашди. Суратлар муаллифлари — Солияжон РАҲИМБЕРГАНОВА ва Қадам ОТАЕВ.

НАВБАТ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИГА

СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЎРКИ

«Энг яхши спорт-соғломлаштириш мажмуаси» деб пойтахтдаги «Жар» спорт кошонаси эътироф этилди.

Биз шу муносабат билан унинг раҳбари, ички ишлар подполковниги Абдусалом Исамуҳамедов билан суҳбатлашдик.

— Абдусалом Тешабоевич, бу масканнинг муҳташамлигидан ҳайратга тушади киши. Спорт ишқибозларига, дам олувчилар ва даволанувчиларга яратилган шарт-шароит, уларга кўрсатилаётган хизматлар халқаро талабларга мос...

— Буни аввало давлатимиз ва Юртбошимизнинг спортга бўлган диққат-эътиборлари, эртанги порлоқ ҳаётимизнинг бунёдкори бўлмиш ёшларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишлари, камол топишлари учун кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг самараси деб биламан. Президентимиз: «Соғлом авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам биз бу борада ўзимизнинг истиқболдаги режаларимизни аниқ белгилаб олдик. Мазкур масалани давлат сиёсати даражасига кўтардик», — деганлар. 1998 йили республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Тошкентнинг Чорсу майдонидаги асосан жарликлардан иборат бўлган ҳудудда «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилиб, ишга туширилди. Мажмуамизнинг «Жар» деб номланиши эса ана шу жойга нисбатан бир ишора эди. Ўзининг замонавийлиги, салобати маҳобати билан «Жар» мажмуаси азим пойтахтимизнинг Чорсу атрофига беқиёс кўрк бағишлади. Ташландиқ майдон обод масканга айлантирилди. Ҳозирги кунда мажмуада спортнинг 17 тури бўйича 78 та ўқув гуруҳлари ташкил қилинган. Бу гуруҳларда 5000 га яқин ёшлар малакали мураббийлар қўл остида шуғулланмоқдалар.

Ўн минг нафар томошабинга мўлжалланган ям-яшил ўйингоҳимиз жаҳон андозаларига мос қурилган. Бу ўйингоҳда «Жар» футбол клубининг шаҳар биринчилиги учун тайёргарлик машғулотлари ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақалар ҳам мунтазам ўтказилиб турилади.

Ўтган йилда спортнинг миллий кураш, каратэ, бокс, таэквандо, мезай-тай ва бошқа турлари бўйича кўплаб мусобақалар ўтказдик.

Миллий кураш бўйича фахрийлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада мажмуамизда шуғулланувчи болалар ва ёшлар иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгаллашди. Ёш спортчиларимиз халқаро мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Жанубий Кореяда бўлиб ўтган мусобақаларда таэквандочи болалар юртимизга 8 та олтин медаль билан қайтишди. Японияда ўтказилган Сумо кураши бўйича беллашувларда мураббийимиз Шокир Тўраев Осиё қитъаси бўйича 2-ўринни эгаллади. Самарқандда бўлиб ўтган халқаро кураш бўйича мусобақада ёш спортчиларимиз 1-ўринни қўлга киритишди. Қозоғистонда Серик Конақбоев кубоги учун бокс мусобақаларида ҳам жамоамиз иккинчи бўлишди. Республика сузиш мусобақасида жамоамиз 1-ўринни олиб, 8 та тарбияланувчимиз сузиш бўйича республика терма жамоасига қабул қилинди. Бундай ютуқларимиз жуда кўп. Лекин, бизнинг энг катта ютуғимиз — кичкинтой болаларнинг қизиқишлари ортиб бораётгани, мажмуамизга келаётган болалар ва ёшлар сафининг кундан-кунга кенгайиб бораётганидир. Миллатимизга соғлом, бақувват ёшлар керак. Шунинг учун болаларни спорт билан имтиёзли — бепул шуғуллантириш ҳаракат қилмоқдамиз. Мажмуамизда ҳозир кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ногирон болалар, меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар бепул шуғулланишади. Ҳозир 2000 га яқин бола ана шундай имтиёзга эга. «Оналар ва болалар» йилида болаларни кўпроқ спортга жалб қилиш, уларга янада қулай шароитлар яратиб бериш устида иш олиб бормоқдамиз. Шу мақсадда тажриба гуруҳи ташкил қилаяпмиз.

Бу тажриба гуруҳида болаларга инглиз тили ўргатилади ва улар билан спорт машғулотлари, турли ўйинлар ва мусобақалар ҳам инглиз тилида олиб борилади. Бу машғулотларни гуруҳда чет эллик мутахассислар олиб боришади. Мақсадимиз болаларнинг онгини ўстириш, маънавиятини юксалтириш, уларни хорижий тилларда эркин мулоқот қилишга ўргатишдир. Чунки, болаларимиз чет элларда, халқаро мусобақаларда тез-тез қатнашади. Тилни яхши билмагандан кейин бу болалар мусобақалар пайтида қийналишади. Шунинг учун болалар билан ишлайдиган ўқитувчилар ўртасида танлов эълон қилганмиз. Буларнинг ҳаммасини болаларимизнинг камолини ўйлаб қиляпмиз.

— Мажмуа халқаро йирик мусобақалар масканига айланиб турса керак?

— Мажмуамизда бир пайтнинг ўзида кўплаб мусобақаларни ўтказиш мумкин. Кўринишидан амфитеатрни эслатувчи, 760 нафар ишқибозни сиғдира оладиган бокс зали халқаро мусобақалар ўтказишга мўлжалланган. Мажмуадаги за-

ЁШЛАР ВА КЕЛАЖАК

мон талабларига жавоб берадиган бир неча сузиш ҳавзалари ҳам севимли жойга айланган. Бу маскан 100 нафар томошабинни сиғдира олади. 5 та ёзги ва 2 та қишки теннис кортларида халқаро мусобақалар, шарқона кураш турлари бўйича мамлакат чемпионатларини ўтказдик. Бу йил ҳам талай мусобақалар ўтказишни режалаштирганмиз. Март ойида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг «Ватан ўғлонлари» кубоги учун анъанавий футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Мажмуада болалар учун турли хил аттракционлар, кичкина ёғоч уйчалар қуриб, уларни компьютерлар билан жиҳозлаш ниятидамиз.

Ҳозир бу жойларнинг эскизлари тайёрланмоқда. Ҳаммаси тайёр бўлгач қурувчиларни ишга жалб қиламиз. Ҳали олдинда қиладиган ишларимиз кўп. Айтайлик, Олий Мажлис қарори билан 16 ёшгача бўлган болаларни спорт билан бепул шуғуллантириш масаласи қўйилди. Спорт билан машғул бўлган боланинг, биринчидан, бўш вақти бўлмайди. Шунингдек, ҳар хил номақбул йўллардан йироқ бўлади, чекиш, ичишга ўрганмайди. Ҳозир кўпчилик ота-оналар ҳам спортнинг фойдасини тушуниб қолишди.

— Мажмуада саломатлик маркази ҳам мавжуд. Ана шу шифохона фаолиятига ҳам тўхталсангиз.

— Бу шифохонамизни 25 ўринга мослаб очгандик. Ҳозир унга келиб даволанаётганларнинг сони кўпайиб бораётгани учун яна бир нечта ўринга кенгайтирдик. Шифохонамизда республикамизнинг ҳамма вилоятларидан келиб даволанишмоқда, дам олишмоқда. Бу ерда ҳам даволаниб, ҳам спорт билан шуғулланишади. Бассейнга тушишади, теннис ўйнашади...

Мажмуада «Оила ва никоҳ» маркази ҳам очганмиз. Ёшлар никоҳдан ўтишдан олдин тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

— Соғлом авлод — миллат илдизи... Шу илдиз бақувват бўлиб Ватан дарахти яшнашига хизмат қилади. Бу хайрли ишда мажмуанинг ўрни беқиёслигини биллдик.

— Келажакни асраш — миллатни асраш. Шу йўлда барча имкониятларни ишга солмоқ керак.

■ **Суҳбатдош: Ёқутхон РАҲИМОВА**

КУТУБХОНАДА INTERNET ТИЗИМИ



Яқинда Тошкентда «Кутубхона ва ҳуқуқий ахборот марказида электрон почта ва INTERNET хизматини ташкил этиш» мавзуида икки кунлик ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Интернет тизими энг сўнгги информацияларни ўзида жамлаган ахборот тармоғи бўлиб, ундан фойдаланиш анча самарали эканлиги бугун ҳаммамизга маълум. Одамларнинг ахборотга бўлган талабини қондириш мақсадида кутубхоналарда электрон каталог тизимининг жорий этилиши ушбу соҳада ташланган дастлабки қадамлардан бири эди. Мана бир неча ойдирки, вилоятлар марказий кутубхоналари Интернет тармоғида аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Лекин кўпчилик ҳали ундан қандай фойдаланиш йўлларини билмайди.

Ўқув-семинарнинг асосий мақсади кутубхоначиларни компьютер ва ахборот технологиялари билан ишлашга ва Интернет орқали китобхонларга хизмат кўрсатишга ўргатишдир. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, бунинг учун кутубхоналарда ҳуқуқий адабиётлар базасини яратиш, тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш каби масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

■ **Нозима РАСУЛОВА**

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
ЎZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Matnazar ELMURODOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan royxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2602

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

РИМ ПАПАСИНИНГ МЕРОСХЎРИ КИМ?

«Ассалому алайкум» деган арабча мурожаат билан бошлаганди Мисрга бўлган ташрифини Рим папаси Иоан Павел II. Рим папасининг мусулмон давлатига бўлган бу сафари айтиш мумкинки, кўпгина эътирозларга сабаб бўлсада, аммо эзгулик турли қарашлардан кўра устун турувчи холис куч эканлигининг тимсолини берди. Айниқса, Рим папасининг Миср тупроғида уч кун меҳмон бўлиши бундай қарашларга янада кескинлик бахш этганди.

Умуман салкам 23 йилдан буён Рим черковига йўлбошчилик қилиб келаётган Иоан IIнинг фаолияти ўта фаоллиги билан кишини ҳайратга солади. Айниқса, папанинг черков тарихидаги гуноҳлари учун инсониятдан ошкора равишда кечирим сўраши ҳақиқатда Иоан IIнинг чуқур мушоҳадасидан, жасурлигидан дарак беради.

Ҳозир католиклар дунёсини безовта қилиб турган нарса папа ўзига кимни меросхўр қилиб қолдиришидир. Маълумки, Иоан IIнинг касаллиги ва бундай ҳолатда у ўз лавозимини мутлақ бошқариш қувватига эга эмаслиги ҳақида кўп ёзилди. Хусусан, папа паркинсон хасталигига чалинган деган тахминлар ҳам йўқ эмасди. Бироқ бу тахминлар шунчаки «миш-миш» эканлиги ўз вақтида исбот этилди. Эътироф этиш керакки, Иоан IIни бошқа сафдошларидан ажралиб турадиган фазилатларидан бири, унинг ўта соғлом, бақувватлиги, спорт билан мунтазам шуғулланиши эди. Польшанинг тоғли Вадовице масканида дунёга келган Кароль Войтила ҳамиша ўзининг бақувватлиги, тетиклиги билан ажралиб турган. Шунингдек, папанинг нафақат мусулмонларга мурожаати, балки насронийларнинг протестант, провослав черковлари билан муносабатларни яқинлаштириш учун қилган ташаббуслари ҳам аҳамиятлидир. Фотиманинг сўнгги, учинчи сирини ҳам Иоан II ошкор этди.

Хуллас, бугун католиклар дунёсида зимдан папанинг меросхўри ким бўлиши ҳақида башоратлар юрибди. Рим папалигига асосий даъвогарлар немис католикларининг раҳнамоси епископ Кларк Леман, итальянлар Анджело Содано, Камилло Руинилар, шунингдек, Лотин Америкаси вакили Бразилия кардинали Лукаш Марейри Невеш бўлиши мумкин деган тахминлар мавжуд. Бу тахминлардан қатъи назар Ватикан мутахассисларининг папа истеъфоси ҳақидаги фикрларга нисбатан чиқаришган хулосаси кескин. «Черков бирданига икки папа мавжудлигини — бири фаолият юритувчи, иккинчиси нафақада бўлган — қўллаб-қувватлолмайди».

ОЛДИН «КОЛА»...

■ Алишер РИСҚИЕВ олган сурат

ОТДАН... ЗЕБРА ТУҒИЛДИ

Табиатнинг яна бир мўъжизаси шотландиялик фермерни машҳур қилди. Унинг боқувидаги биядан худди зебра кўринишидаги жонивор дунёга келди. Тойчоқнинг боши от кўринишини берса, қолган қисмини зебрадан умуман ажратиб бўлмайди. Фермернинг таъкидлашича, у отни ҳайвонот боғидан жуда кексайиб қолганлиги учун арзон-гаровга сотиб олган экан. Кўп вақт ўтмасдан эса биянинг болалаши маълум бўлиб қолди. Фермернинг хурсандчилигини қўяверинг-у, олимлар бу жониворга қандай ном қўйишни билмай бошлари қотишмоқда.

ФТБда янги директор

Америка мавжуд қонунларига кўра, Федерал тергов бюроси директори 10 йил муддатга тайинланади. Бу муҳлат муддати номзодга мустақил равишда иш юритиш ва муқимлик кафолатини беради. Шундай бўлишига қарамасдан ҳозирги директор Луис Фри 8 йиллик серғалва меҳнатдан сўнг истеъфога чиқишга қарор қилди.

Луис ФТБ директорлиги лавозимидан кетишини асосан оилавий шароитига, кўпроқ маош камлиги туфайли оила аъзоларини қониқарли ҳаёт билан таъминлай олмаётганлигига тақайди. Аслида эса сабаб Луис Фрининг кўп йиллар мобайнида собиқ президент Билл Клинтон маъмурияти билан чиқиша олмай келганлигидир, дея фикр билдиришади мутахассислар. Ҳатто, Луис баъзи ҳужжатларни ошкор этиш борасида ҳам эски маъмурият билан алоқа қилишни истамаган.

Хуллас, президент Буш Америка изқуварларига раҳбарликка тавсия этаётган янги номзод Роберт Мюллер ўта қаттиққўллиги билан машҳур. Ҳозиргача банд этиб келган лавозими — Сан-Франциско федерал прокурорлиги даврида айнан шу хислатлари билан кўзга ташланган.

Роберт Мюллер номзоди республикачилар ва демократлар томонидан ҳам бирдек қувватланиши кутилмоқда. Робертнинг ўзи республикачилар аъзоси. Вьетнам урушида қатнашган. Денгиз пиёдалари взводига командирлик қилган Роберт Мюллер жанговарлиги учун «Бронза юлдузи» билан тақдирланган.

Айни пайтда Америка Федерал тергов бюросида 11 минг федерал агентлар хизмат қилишади. Бундан ташқари ФТБнинг мамлакат ичида 56 та ва бошқа мамлакат ҳудудларида 40 та бўлимлари мавжуд.

ОАО «ЛАЗЗАТ»
информирует о принятии решения о выплате дивидентов по итогам 2000 года в размере 900 сум на 1 акцию за вычетом налога (за исключением ПИФов)
НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 17-мактаб томонидан Ғофуржонов Дилшод Маъмуржоновичга 2000 йилда берилган UR-A — 569762 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Ўзавтойўл» концерни жамоаси автомобиль йўллари бирлашган дирекциясининг бош ҳисобчиси Акида Ашуровна Раҳимбековага умр йўлдоши **Равшан Расулович РАҲИМБЕКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ДИҚҚАТ: САВОЛ-ЖАВОБ ЎЙИНИ

Икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон — Швейцария дўстлик жамияти Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда «Сиз Швейцария ҳақида нималар биласиз?» мавзуидаги викторинани ўтказаяпти. 19 июль куни саволларнинг тўғри жавоблари, 26 июлда эса ғолиблар эълон қилинади. Викторина ғолибларига соврилар Швейцариянинг «Конфедерация куни»га бағишланган тадбирда тақдим этилади. Викторинанинг асосий ҳомийлари:

1. «Ciba махсус кимёвий маҳсулотлари» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. **Соврин — «Самсунг» фирмасида ишлаб чиқарилган фотоаппарат, плёнкалари билан.**

2. «Ўзбекистон почтаси» ДАУ. **Соврин— «PANASONIC» телефони, «Caller ID System» билан «Rowenta» фирмаси ишлаб чиқарган дазмол.**

3. Алексей Назаров номидаги тиббий марказ. **Соврин — шейпинг ва бошқа машғулотлар учун ойлик рухсатнома.**

4. «Nestle» корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. **5 та рағбатлантирувчи соврин — Nescafe савдо белгиси туширилган кружка ва соатлар.**

5. Маълумотлар тарқатиш бўйича ҳомий: **«Ўзбекистон овози» ва «ПрессТИЖ» газеталари ҳамда «Гранд» радиоси.**

Викторина шартлари:

Тўғри жавобларнинг тагига чизиб, купонни тўлдиринг ва эълон қилинган кундан бошлаб 7 кун давомида конвертни почта орқали жўнатиб юборинг (жавобнинг юборилган куни штемпель билан кўрсатилган бўлиши керак).

Белгиланган муддатгача юборилмаган жавоблар ҳисобга олинмайди.

Жавобларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-«а» уй.

«Ўзбекистон — Швейцария» дўстлик жамияти

КУПОН

Ф. И. Ш.: _____

Манзил _____

САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР:

1. Қайси йили Федерал конституцияни қайта кўриб чиқиш учун сайловчилар овоз берган?
а) 1999 б) 1997 в) 2000

2. Конфедерация ташкил топган йилни айтинг?
а) 1191 б) 1291 в) 1315

3. Алплар Швейцария майдонининг неча фоизини ташкил қилади?
а) 10% б) 20% в) 50%

4. Маттерхорн тоғлари денгиз сатҳидан қанча баландликда жойлашган?
а) 4107 м. б) 4478 м. в) 4506 м.

5. Швейцариядаги энг катта музликнинг номини айтинг?
а) Горнергледчер
б) Алетсглетчер в) Ронеглетчер

6. Қайси йили аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи жорий қилинган?
а) 1291 б) 1913 в) 1973